Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 34 (8024). ● 18 февраль, 1983 йил ▲ ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

ОБЛАСТИМИЗНИНГ

БИР КУНИ

КЕЧА

МАРТ ҲИСОБИГА

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг рух заводи 1982 йилда асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўнича топшириқларни зиёдаси билан адо этди. Бу ютуқларни қўлга киритишда кадмий, олтингугурт кислотаси цехлари ва ремонт механика участкаси ишчиларининг ҳиссаси айниқса салмоқли бўлди.

Г. Солдатов бошчилигидаги бригада ишчи-хизматчилари барча резервлардан самарали фойдаланишлари туфайли комбинат бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар. Бу эса етакчи бригада ишчиларини қўш суръат билан меҳнат қилишга илҳомлантирди. Куни кеча бригада аъзолари келгуси ой ҳисобига маҳсулот топширишга киришдилар.

ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ МАКТАБИДА

Кеча Тошкент область партия комитети ҳузуридаги журналист маҳорати мактабида навбатдаги машғулот бўлди.

Машғулотда Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Ш. А. Мирзалимов «Журналист кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашга партия раҳбарлиги, журналистлар ғоявий-сиёсий савиясини ва касб маҳоратини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — оммавий ахборот ва пропаганда воситалари иши самарадорлигини кучайтиришнинг муҳим шарти» мавзуда лекция ўқиди.

Шуниндек, тарих фанлари кандидати, доцент Ф. П. Нестеренконинг «Матбуотда фан-техника тараққиёти масалаларининг ёритилиши», «Ташкентская правда» газетаси редакторининг ўринбосари Е. М. Оврутскийнинг «Газета редакциялари ишини планлаштириш» мавзуидаги лекциялари ҳам тингланди.

Шу куни «Социалистический Чирчик», «Коммунизм учун» — «Коммунизм ушни», «Коммунизм тонги», «За металл», «На стройке» газеталари, Оҳангарон, Тошкент район радио редакциялари ишини планлаштириш тажрибаси умумлаштирилди.

Маҳорат мактаби тингловчилари М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейига экскурсия уюштирдилар.

КЕЧА

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1983 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан районлар ўртасидаги мусобақанинг 1983 йил 11 февралгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Бўка райсонига (район партия комитетининг секретари Исломов, район ижроия комитетининг раиси Абдужабборов, район комсомол комитетининг секретари Муҳаммаджонов ўртоқлар).

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидан олиб берилади.

Сабзавотчиликка ихтисослашган Оржоникидзе районига (район партия комитетининг секретари Сайдалиев, район ижроия комитетининг раиси Ортиқхўжаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Усмонов, район комсомол комитетининг секретари Норматов ўртоқлар).

Байроқ Тошкент районидан олиб берилади.

1983 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда Чиноз, Бекобод, Калинин ва Тошкент районларида яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Оҳангарон, Паркент, Пискент, Оққўрғон ва Ғалаба районларида 1983 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда суст-кашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўка ва Оржоникидзе районларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — ЮКСАЛИШДА

● ЯНГИЙЎЛ шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, умумий овқатланиш ва савдо муассасаларида ташкил этилган ёрдамчи чорвачилик хўжаликлари жадал суръатлар билан ривожланиб, моллар туёғи ҳамда маҳсулот етиштириш кўпайиб бораётир. Айниқса, 5-автобаза ҳамда шаҳар ёғ-мой комбинатининг бу соҳадаги иш тажрибаси намуналидир.

Суратларда: (юқорида) ёғмой комбинатининг ёрдамчи хўжалигида 140 бош қорамол бўрдоқига боқилаётир; (пастда) 5-автобазанинг ёрдамчи хўжалиги мудири А. Азимов (ўртада) молбоқарлардан Э. Муҳитдоев (чапда) билан Б. Раззоқовларга озуқани тўғри тарқатиш юзасидан кўрсатмалар бермоқда.

А. МАЛЬЦЕВ фотолари.

НОВАТОРЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

16 февралда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Тошкент область ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда ВОИР Тошкент область Советининг раиси А. З. Абдуллаев область Советининг кейинги икки йил давомидаги фаолияти ҳақида ҳисобот доклади қилди. Докладчи ва музокараларда қатнашган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадирлар Совети раиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Н. М. Басанец, ВОИР Чирчиқ шаҳар Советининг раиси В. М. Олишев, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-моториси Г. И. Иноятова ва бошқа новаторлар область новаторларининг ҳисобот давридаги фаолиятларини таҳлил қилдилар, меҳнаткашлар ўртасида оммавий техник ижодкорликни ривожлантириш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Конференцияда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти область Советининг янги составини, ВОИРнинг VI съезди ва ВОИР V республика конференциясига делегатлар сайланди, кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Конференцияда область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов иштирок этди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ—КОММУНИЗМ БИНОКОРЛАРИ БАЙРОҒИ

Суратда: конференция залида.

А. Горокрик фотоси. ЎзТАГ.

«Етук социализм босқичида СССР халқларининг қардошларча ҳамкорлиги» мавзуидаги илмий-назарий конференция 17 февраль куни Тошкентда ўз ишини тамомлади.

Шу куни конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг олтмиш йиллиги» мавзуидаги доклади асосида секция мажлисларида мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш билан, пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги ленинча принципларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган актуал масалаларни муҳокама қилдилар.

«Миллий муносабатлар ривожининг социал-иқтисодий проблемалари» секцияси мажлисида СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири профессор В. Е. Чиркин «СССРдаги миллий-давлат қурилиши тажрибасининг халқаро аҳамияти» мавзуида, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари Р. С. Қосимов «Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштириш — совет кишиларининг интернационал вазифаси» мавзуида, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов «Тарбиявий иш жараёнида меҳнаткашларнинг миллий хусусиятларини ва маънавий эҳтиёжларини эътиборга олиш» мавзуида, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори профессор С. Н. Усмонов «Ўрта Осиё регионида Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг иқтисодий проблемалари» мавзуида, Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори профессор М. Ш. Шарифхўжаев «КПССнинг кўп миллатли давлат ишлаб чиқарувчи кучларини планли равишда ва пропарционал тараққий эттириш тўғрисидаги ленинча таълимотни ривожлантириши» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси К. Н. Бедринцев «Ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг баъзи социал-иқтисодий проблемалари» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг раиси, республика Фанлар академиясининг академиги С. К. Камолов «СССР халқларининг қардошлик оиласида Қорақалпоғистон АССРнинг равнақи» мавзуида, Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири профессор А. Ў. Ўлмасов «Одамларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалганлиги — партия социал-иқтисодий ва миллий сиёсатининг натижаси» мавзуида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари В. Г. Чеботарева «КПСС ленинча миллий сиёсатини Ўзбекистонда амалга оширишдаги умумийлик ва хусусийлик» мавзуида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг сектор мудири Ш. С. Зиёмов «Ўзбекистон Компартияси тажрибаси мисолида кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишнинг интернационалистик асослари» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бўлимининг академик секретари, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. В. Ким «Агросаноат комплексини шакллантириш ва такомиллаштириш — кўп миллатли давлатни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори профессор А. Х. Ҳикматов «Миллий масалани ҳал этишдаги инвестиция сиёсати» мавзуида, Белоруссия ССР Фанлар академияси экономика институти директорининг ўринбосари профессор В. И. Дриш «Социал-иқтисодий ривожланиш проблемаларини ҳал этишда қардош республикалар олимлари ҳамдўстлиги ролининг ортиб бориши» мавзуида, Тожикистон давлат университети илмий коммунизм кафедрасининг мудири К. Жамолов «Тожикистон қишлоқ районлари меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялаш тажрибаси» мавзуида ахборот бердилар.

«Маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-биринни ўзаро бойитиши — социалистик маданият ривожининг қонунияти» секцияси мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳ. Т. Турсунов «Социалистик маданиятни ривожлантиришга партия раҳбарлиги» мавзуида, Могилев давлат педагогика институтининг кафедра мудири профессор Н. И. Серова «Маданиятларнинг бирбирини ўзаро бойитиши ва ёшларга интернационал тарбия бериш вазифалари» мавзуида, Қирғизистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Б. Д. Чаймилова «Коммунистик меҳнат учун кураш ва унинг миллий маданиятларни яқинлаштиришдаги аҳамияти» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бўлимининг академик секретари, республика Фанлар академиясининг академиги М. К. Нурмуҳамедов «СССР халқлари дўстлиги ва адабиётлари дўстлиги буржуа советшунослигида қандай сохталаштирилмоқда» мавзуида, Ўзбекистон ССР маориф министри профессор С. Ш. Шермуҳамедов «Етук социализм босқичида СССР халқлари маънавий маданиятининг интернационаллашуви» мавзуида, Грузия ССР Фанлар академияси фалсафа институтининг бўлим мудири Э. С. Менабдишвили «Кўп миллатли ишлаб чиқариш коллективларида маънавий эҳтиёжларнинг қарор топиши ва шу эҳтиёжларни қондириш формалари» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг директори, республика Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси М. О. Охунова «Ўзбекистон ишчилар синфи — социалистик интернационализм идеологиясининг садоқатли намоёндасидир» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори, республика Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси М. К. Қўшчонов «Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири — улар ривожининг бош омилларидан бири» мавзуида, «Ўзбекистон» нашриётининг директори Н. Ғ. Ғоипов «Миллий санъатларнинг бирбирини ўзаро бойитиши ва совет халқи бадиий маданиятининг ривожи» мавзуида, Туркманистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ бўлимининг катта илмий ходими М. М. Абаева «Етук социализм даврида социалистик миллатларнинг маънавий маданият соҳасидаги ҳамкорлиги» мавзуида, Тошкент трактор заводи партия комитетининг секретари Ҳ. Н. Шагиев «Кўп миллатли коллективларда меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш тажрибаси» мавзуида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари О. П. Умурзоқова «Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашда илғор миллий ва умумсовет анъаналарининг аҳамияти» мавзуида, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти, бўлим мудири Ф. М. Кароматов «Халқлар дўстлиги ва совет миллий маданиятини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари» мавзуида, Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг катта илмий ходими Т. М. Маҳмудов «Маданиятларнинг бир-биринни ўзаро бойитишининг рассомчилик ривожида акс этиши» мавзуида ахборот бердилар.

«Миллий муносабатларнинг ривожланиши ва ҳозирги идеологик кураш» секциясининг мажлисида чет эл идеологик оқимлари проблемалари билан шуғулланувчи илмий кенгашнинг катта илмий ходими Е. В. Осиповнинг «СССР халқлари дўстлигининг ривожланиши ва антикоммунизмнинг идеологик стратегияси» мавзуидаги, Арманистон ССР Фанлар академияси чет эл идеологик оқимлари проблемалари билан шуғулланувчи илмий кенташи раиси, Арманистон ССР Фанлар академиясининг академиги Г. Б. Гарибжанянинг «Социалистик Арманистон ютуқлари ва буржуа сохтакорларининг ожизлиги» мавзуидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсуповнинг «Буржуа идеологларининг халқлар дўстлигини заифлаштириш учун ислом динидан фойдаланиш йўлидаги уринишлари» мавзуидаги, А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институтининг катта илмий ходими Л. Г. Федосеевнинг «Кўп миллатли совет адабиёти ва унинг советшунослар томонидан сохталаштирилиши» мавзуидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг бўлим мудири, республика Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Р. Х. Аминованинг «СССРда миллий масала ҳал этилишининг буржуа концепцияларини танқид» мавзуидаги, Тошкент чет тиллар институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Ғ. А. Абдурахмоновнинг «СССР халқлари миллий тиллари ривожланишини буржуача бузиб кўрсатишни фош қилиш» мавзуидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг директори, республика Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси М. М. Хайруллаевнинг «Давомийлик маданиятларни ўзаро бойитишнинг энг муҳим омили ва ҳозирги идеологик кураш» мавзуидаги, Грузия ССР Фанлар академияси илмий ахборот марказининг раиси Н. И. КикваДзенинг «Ленинча миллий сиёсат тантанаси ва социалистик Грузия мисолида буржуа сохтакорларини танқид» мавзуидаги, Қозоғистон ССР Фанлар академияси фалсафа кафедрасининг катта илмий ходими Н. Б. Бегалиевнинг «Кўп миллатли совет давлати тарихий тажрибасининг антикоммунистик сохталаштирилишини танқид» мавзуидаги, Тошкент давлат университети кафедрасининг мудири профессор Г. А. Ҳидоятовнинг «Ленинча миллий программа ва буржуа советшунослигини танқид» мавзуидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институти секторининг мудири профессор Б. В. Лунинпинг «Босмачиликнинг социал-сиёсий моҳияти ва унинг ҳозирги буржуа идеологлари томонидан бузиб кўрсатилиши» мавзуидаги, Туркманистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ бўлимининг катта илмий ходими О. С. Режепованинг «Буржуа ўртаосиёшунослигидаги баъзи янги тенденциялар тўғрисида» мавзуидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг сектор мудири К. Оқиловнинг «Миллий республикаларда маданий революция ғалабаси ва антикоммунизмни танқид» мавзуидаги ахборотлари тингланди.

Кечқурунги якунловчи ялпи мажлисда секциялар ишининг натижалари тўғрисида уларнинг раҳбарлари — СССР Фанлар академияси фалсафа институти бўлимининг мудири академик Т. И. Ойзерман, СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг директори академик Г. В. Степанов, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов ахборот бердилар. Уларнинг ахборотларида қайд этиб ўтилганидек, секция мажлисларидаги фикрлашувлар, конференция қатнашчиларининг нутқлари жуда сермазмун ва теран бўлиб, кўп миллатли совет давлати ҳаётида содир бўлаётган жараёнларни, коммунизм қурилиши давомида социалистик миллатлар ҳамда элатларнинг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, совет халқларини социал-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришда, меҳнаткашларни коммунистик руҳида тарбиялашда КПСС раҳбарлик ролининг аҳамияти ортиб бораётганлигини марксча-ленинча позицияларда туриб баҳолаш ва очиб беришга интилиш руҳида ўтди.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев конференцияга якун ясади.

Конференциянинг бутун иши, — деди у, — юксак илмий савияда ўтди. Конференция қатнашчиларининг докладлари ва ахборотлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг олтмиш йиллиги» мавзуидаги докладида баён этилган ғоялар ва кўрсатмалар билан суғорилган эди. Конференцияда пролетар интернационализмининг муштарак принциплари муфассал кўриб чиқилди, дунёда биринчи кўп миллатли социалистик давлат — советлар мамлакатининг тарихий тажрибаси асосида уни ривожлантириш қонуниятлари ва йўллари кўрсатиб ўтилди.

Мана шу мўътабар конференцияни ўтказиш учун Тошкент шаҳри танланганлиги тасодифий эмас. Конференцияда Москва, Ленинград, қардош иттифоқдош республикаларнинг таниқли олимлари иштирок этдилар. Ленинча миллий сиёсат самаралари Ўзбекистон мисолида яққол кўриниб турибди.

Совет кишиларининг интернационализми ва ватанпарварлиги даставвал Ватан бахт-саодати йўлидаги ижодий меҳнатда намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди — халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, СССР Озиқ-овқат программасини бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини, экономикамиз ва ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўсишқўклик ҳамда интизомни ошириш керак бўлади. Ривожланган социализмни такомиллаштириш, Улуғ Октябрь ишини ижодий давом эттириш ҳозирги босқичда партия билан халқ фаолиятининг асосий мазмунидир. Конференцияда мамлакатимизда миллий масалани ҳал этиш тажрибаси ҳар томонлама ва чуқур акс эттирилди, етук социализм шароитида СССР халқларининг қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришнинг энг муҳим назарий ҳамда амалий проблемалари кўриб чиқилди.

Докладлар ва нутқларда совет жамиятининг нутуқларида планетадаги кишиларнинг онги ва қалбига пролетар интернационализми ғояларининг жуда зўр жозиба кучи аҳамиятинц камайтириб кўрсатишга, ҳар хил мафкуравий диверсиялар билан совет халқининг бирлиги ва жипслигини қўпоришга уринаётган буржуа ҳамда ревизионистик назариялар далил исботлар билан ишонтирарли танқид қилинди.

П. Н. Федосеев илмий-назарий конференциянинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитни яратиб берган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика ҳукуматига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди

Якунловчи ялпи мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари Е. А. Айтмуротов, Л. Н. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Л. Н. Мелқумов, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири Д. В. Кузнецов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ» — «СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА» ЖУРНАЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика кўп тармоқли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшганлиги, қишлоқ хўжалиги фани ютуқларини ва илғор тажрибани пропаганда қилганлиги учун шунингдек ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журнали Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1983 йил 16 февраль.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Т. Н. НАЖМИДДИНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали ишлаганлиги, партия аграр сиёсатини, республика кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ютуқларини пропаганда қилиш ишидаги хизматлари учун ҳамда «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журнали ташкил этилган кунга 60 йил тўлиши муносабати билан журнал бош редактори ўртоқ Тўлаган Нуриддиновга Нажмиддиновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1983 йил 16 февраль.
Тошкент шаҳри.

• *Москваликлар ташаббуси изидан*

ҚЎШИМЧА КАСБ — КАТТА РЕЗЕРВ

МОСКВА халқ хўжалик тармоқларининг илгор коллективлари меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, хўжаликка, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш юзасидан «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша!» шиори остида бошлаган ташаббусини барча совет кишилари қатори самолётсозларимиз ҳам қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Бирлашмамиз барча бўлинмалари меҳнаткашлари бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилишга қарор қилдилар. Барча цехлар, участкалар, бригадаларда ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш режалари тузилди ёки тузилмоқда. Бундан кўпгина асосий мақсад-ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга ёрдам берадиган янги резервлар ва имкониятларни ишга солишдир.

Чунки бундай омиллар ишлаб чиқариш занжирининг барча бўғинларида топилади. Бунинг учун фақат қунт, иқлиқ керак. Ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчида шунга интилиш бўлиши керак, у қандайдир ички эҳтиёж бўлиб қолмоғи даркор. Бригадамизнинг етакчи аъзоларида шундай фазилат мужассамлашганки, у ажойиб самаралар бермоқда. Ҳар биримиз, ветеран ёки ишга янги келган ишчи бўлишимиздан қатъий назар, меҳнат интизомига амал қилишни муқаддас бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Сабабсиз ишга келмаслик ёки кечикиб келиш, ичкиликбозлик коллективимиз учун ёт нарса ҳисобланади. Неча йиллардан бери бирга ишлаб келаётган бўлсак ҳам бундай ҳодисанинг рўй берганини эслолмайман.

Бригадамизда турли миллат вакиллари ишлашаётган бўлса ҳам, аҳил бир оилани ташкил этишган. — Сенинкименики, сен қил— мен қилмайман деб ажратишлар бизда йўқ. Ҳаммамиз ишга бирдек ёпишамиз, барча топшириқларни тез ва соз бажаришга ҳаракат қиламиз, лозим бўлиб қолса ёрдамимизни бир-биримиздан аямаймиз. Хурсандчиликда ҳам, бошга оғир кун тушганда ҳам биргамиз.

Умуман олганда бригадамиз иши ёмон эмас. Топшириқларни доим ортиғи билан бажарамиз. Кўрсаткичларимиз ўртача 130-140 процентни ташкил этмоқда. Деталлар сифати ҳам дуруст бўлмоқда. Маҳсулотнинг деярли барчасини бир кўрсатишдаёқ техника назорати бўлимига топширмоқдамиз.

Унумли ва сифатли ишлашимизнинг омиллари нимада, деган савол туғилади ўзўзидан. Юқорида уларнинг айримларини тилга олдим. Лекин, бошқа омиллар ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Биттаси ҳақида ёзмоқчиман. У ҳам бўлса қўшимча касбларни ўзлаштиришдир.

Ягона касб билан чекланмай бошқаларини ҳам билишга ғал кўп экан. Ишинг жуда унумли бўлади. Айниқса бизнинг кўп тармоқли ишлаб чиқаришимизда жуда асқотмоқда.

Бригадамиз аъзолари бирлашманинг тайёрлов цехида ишлашади: бу ерда иш турлари жуда кўп, шунга яраша касб-кор ҳам. Турли-туман, станок-агрегатлар ҳар хил. Фақатгина бизнинг коллективни олиб кўрайлик. Бригадамизда фрезерчилар ва пармаловчилар, кундачилар маромига етказувчилар ва эгувчилар, слесарлар ва программ бошқариладиган станоклар операторлари меҳнат қилишяпти. Мен бригадир сифатида шу касбларнинг ҳаммасини билишим керак эди. Шунга мажбур эдим. Бўлмаса бригадага раҳбарлик қилиш, бригада аъзоларига маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатишга маънавий ҳаққим бўлмас эди. Шу сабаб ҳамма касбларни пухта ўрганиб олдим. Ихтиёримиздаги барча агрегатларни бемалол бошқара оламан. Узоқ сабаб билан ишчиларнинг бирортаси келмай қолса унинг ўрнида ҳам ишлайвераман. Бир йўла икки станокни бошқараман ҳам.

Бригадамизда мавжуд касбларнинг ўрганиш шарт қилиб қўйилган. Деярли барча аъзоларимиз икки-учтадан қўшимча касбларни билишади. Кундачилардан Виктор Носков, Бадарбой Эрматов, пармаловчи Марина Гнедих барча агрегатларни бемалол бошқаришаверади. Улар катта иш тажрибасига эга. Кўп йилдардан бери шу цехда ишлаб келишяпти.

Масалан, тажрибали ишчи Виктор Носков цехимиз остонасига қадам босганидан бери йигирма йилдан ортиқроқ вақт ўтди. У ўз касбининг моҳири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам касби бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида бир неча бор ғолиб чиқди. Ўтган хўжалик йилини ҳам яхши якунлаб илғорлар сафидан ўрин олди.

Виктор Носков маҳоратли ишчи бўлибгина қолмай, ажойиб мураббий ҳамдир. Ўз касбини пухта эгаллаган кундачи ўнлаб шогирдлар тайёрлаган. Цехимиздаги кўп минг ишчилар унга ҳурмат ва эҳтиром билан «устоз» деб мурожаат этишади.

Марина Гнедих ҳам йигирма йилдан ошиқроқ вақтдан бери бир цехда ишлаб келяпти. У техника бўлимида контролер бўлиб ишлади. Бу соҳада катта тажриба орттирган. Шунинг учун ҳам у барча деталларни тез ва сифатли тайёрламоқда. Ҳозирги вақтда бу етакчи ишчимиз пармалаш ва букиш операцияларини бажармоқда. У барча типдаги ана шундай агрегатларни моҳирона бошқаряпти.

Бригадамизнинг яна бир етакчи ишчиси Бадалбой Эрматов самолётсозлар сафига 1967 йилда қўшилган эди. Ҳар нарсага қизиқувчан, ишбилармон, ҳаракатчан Б. Эрматов эндиликда энг малакали ишчилардан ҳисобланади. У энг юқори — олтинчи разрядли кундачидир. Бирлашма бўйича сифат аълочиси деган юксак унвонга сазовор бўлган. Унга цехнинг энг яхши ишчиси сифатида назбатдан ташқари енгил автомашина мукофот қилинди.

Бригадамизнинг ёш аъзолари ҳам виждонан, сидқидилдан меҳнат қилишга одатланишган. Александр Егоршев ва Ғайрат Ғуломовлар илғор иш усулларини пухта эгаллаганликлари учун ҳар қандай масъулиятли операцияларни уддасидан чиқмоқдалар. Техник нормани ошириб бажаришяпти. Фрезерчилардан Мансур Ҳакимов ва Виктор Чулар программ бошқариладиган станокларга хизмат кўрсатишяпти. Улар цехдаги ўнлаб ишлаб чиқариш группаларини материаллар ва заготовкалар билан етарли миқдорда таъминлаб туришибди.

Коллективимиз меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини қўллаб ишламоқда. Бу илғор усул ҳам ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беряпти, ишчиларни унумли ва сифатли меҳнат қилишга ундамоқда. Худди шу туфайли ҳам қўшимча мутахассисликларга ўргандик. Бу эса ўз навбатида иш вақти йўқолишини бартараф этиш ва смена давомида ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда ишчи кучларини тақсимлаш, оператив топшириқларни муддатида бажаришга ҳам кўмаклашмоқда. Шунинг учун ҳам бригадамиз доим бир маромда ва бир текис ишламоқда.

Иш ҳақини тақсимлашда бригада ҳар бир аъзосининг пировард меҳнат натижасига қўшган ҳиссаси ҳам ҳисобга олинмоқда. Ҳатто бизда у ёки бу детални ишлашда қўксонга йўл қўйган ишчининг бригада меҳнатига қўшган ҳиссаси камайтирилмоқда. Ишда намуна бўлганларнинг улуши эса кўпайтириляпти. Айни вақтда биз бажарган ишнинг мураккаблигини, қўшимча касбларда ишлашни, иш вақтида ҳамкасбга ёрдам берилганлиги ва маҳсулот сифатини ҳам ҳисобга оламиз. Бундай ишчилар ҳар томонлама рағбатлантирилади.

Ана шуларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлиги ва сифатининг ортишига, коллективизм ва ижодий ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг мустаҳкамланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Бригадамиз аъзолари ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилини яхши якунладилар. Социалистик мажбурият зиёдаси билан бажарилди. Йил давомида ойлик ишлаб чиқариш якунлари бўйича кўпинча биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладик. Лекин, ишимиз кўрсаткичлари янада яхши бўлиши мумкин эди. Чунки, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида бўлганидек бизда ҳам фойдаланилмаётган резервлар бор. Шунинг учун ҳам москваликлар ташаббусига қўшилар эканмиз, ана шу имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Ишчи бурчи шуни тақозо қилади.

У. МАҲМУДОВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири, учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени кавалери.

●Суратда: бу ташаббусга биринчилар қатори қўшилган Николай Борисов (ўнгдан иккинчи) бошлиқ бригада аъзоларини кўриб турибсиз.

А. КАШАПОВ фотоси.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ФАХРИЙ ЁРЛИҚҚА МУНОСИБ

Ҳар сешанба оқшомида Иброҳим Раимжоновни сиёсий ўқув машғулотларини ўтказишга йўл олаётганлигини кўрасиз. У Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз-техникумида сиёсий иқтисод фанидан дарс беради. Айни пайтда хўжаликдаги марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти ҳамдир.

— Пропагандистлик Иброҳим Раимжоновнинг иккинчи истеъдодидир,— дейди совхоз-техникум партия комитетининг секретари С. Саторов.— У ўтказадиган ҳар бир машғулот қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Пропагандист тингловчиларнинг машғулотда актив иштирок этишларига эришмоқда.

И. Раимжонов ўтилаётган мавзуни шунчаки, оғзаки баён этиш билан чегаралланмайди. Тингловчилар диққат-эътиборини бу масаланинг моҳиятига қаратишга интилади. Машғулотларда техник воситалардан кенг фойдаланади.

Ҳозир марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари сиёсий иқтисод курсини ўрганмоқдалар. Бу курс программаси кўпроқ назарий масалаларга бағишланган бўлса-да пропагандист ҳар бир мавзуни шу кунги вазифаларга боғлай олади.

Ўтган йили «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коллективи яхши натижаларга эришди. Меҳнатдаги ютуқлари учун чорвадорлар республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсофпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар. Пропагандист машғулотларда илғорлар тажрибасини чуқур таҳлил қилишга катта эътибор беради. Дарвоқе, у пропагандистлик қилаётган мактаб тингловчилари орасида моҳир чорвадорлар кўп. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Э. Додонов, П. П. Ратушняк, СССР Олий Совети депутати Т. Икромова, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети аъзоси Б. Қўчқорова, область Совети депутати Э. Зекеряев шулар жумласидандир. И. Раимжонов бу тингловчилар эришаётган натижалар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беради.

Моҳир пропагандистнинг кўп йиллик самарали меҳнати, меҳнаткашларга сиёсий иқтисод билимларини ўргатишдаги хизматлари муносиб баҳоланди. Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили арафасида Иброҳим Раимжонов Ленин фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИШЧИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи йигирув фабрикасида ташкил қилинган ишчи маҳорати мактабида биринчи машғулот ўтказилди. Илғор йигирувчи, коммунист Шоира Тошматова иш сменасидан кейин ёш тўқимачилар ҳузурига келди. У урчуқсиз машиналарда ишлаб, тармоқ нормаси 690 та бўлгани ҳолда бирданига 1400 та йигирув камерасига қандай қилиб хизмат кўрсатиш мумкинлигини намойиш қилди.

Тажрибали ходим кенгайтирилган иш зонасига ўтганлиги туфайли ўн биринчи беш йиллик бошидан буён 223 тонна қалава ип тайёрлаганини, бу эса планда белгиланганидан икки баравар кўп эканлигини тушунтириб берди. Кўп станочки аёл юксак малака билан бирга меҳнат ва технология интизомига қатъий риоя қилиш ҳам ўзига ва бошқа илғор тўқимачиларга ёрдам бераётганлигини уқтирди. Бир смена давомида бир ишчининг атиги бир минут вақтини зое ўтказиши тўқимачилар коллективига неча юзлаб сўмлик зарар келтиришини у кўрсатиб берди.

Иккинчи йигирув фабрикасида ишчи маҳорати мактаби партия йиғилишининг қарорига мувофиқ ташкил этилган эди. Коммунистлар меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан Москва шаҳридаги корхоналар илғор коллективларининг бошлаган ҳаракатини қизғин қўллаб-қувватладилар. Ҳар бир иш жойида меҳнатни ташкил этишни қатъий яхшилашга, тартиб-интизомни бузувчиларга, «учарлар» ва прогулчиларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар билан бирга фабрика коммунистлари ёш ишчиларнинг касб маҳорати ўсишини жадаллаштириш, бинобарин уларнинг ишлаб чиқаришда муқим ишлаб қолишлари учун шарт-шароитларни яратиш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдилар.

Партия ташкилоти ишлаб турган коммунистик меҳнат мактабларига (бундай мактабларда ўқиш бир йил давом этади) қўшимча равишда ўзига хос ана шу ишчи университетининг программасини ҳам ишлаб чиқди. Коммунистларга, тажрибали мураббийларга бу ерда икки-уч ой мобайнида юзлаб йигит ва қизларга ишнинг илғор усулларини ўргатишни, энг янги тўқимачилик машина-ускуналарини ўзлаштиришда кўмаклашишни топширди.

Партия ташкилотининг қарорига мувофиқ комбинатнинг бошқа фабрикаларида ҳам ишчи маҳорати мактаблари, кадрларни жадал тайёрлаш мактаблари ташкил қилинди.

А. ЗАКОВРЯШИН,
ЎзТАГ мухбири.

АЛБАТТА НАФИ ТЕГАДИ

БИРЛАШМАМИЗНИНГ интернационал коллективи ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида зарбдор меҳнат қилди. СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб равишда кутиб олиш нияти-да ўтказилган «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остидаги мусобақа ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари бўйича давлат топшириқларини зиёдаси билан адо этилишини таъминлади. Бирлашмамиз меҳнат аҳли йил бошида планлаштирилган 1 миллион 781 минг сўмлик ўрнига 2 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилишга эришдилар.

Бугунги кунда янги марраларни белгилар эканмиз, ана шу ютуқларга эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилган резервларни чуқурроқ ўрганишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Айниқса, социалистик мусобақанинг илғор формаларидан янада кенгроқ фойдаланишга бел боғлаганмиз.

Юбилей йилида Оржоникидзе район «Седьхозтехника» бирлашмаси билан ўзаро мусобақа шартларини тузган эдик. Шундан сўнг икки турдош корхона коллективи ўртасида алоқалар ўрнатилди. Ўзаро текшириш бригадалари қўшни коллективларда ташриф буюришганда фақатгина камчиликларни аниқлаш ҳамда янгиликларни кузатишдан ташқари, ўзларининг илғор тажрибаларини бевосита ишлаб чиқаришда намойиш этиб, тажриба алмашдилар. Натижада ҳар икки коллективнинг меҳнат кўрсаткичлари аста-секин юксала бошлади. Илғор тажрибаларни ўзлаштиришда ҳамда улардан кенг фойдаланишда ремонт устахонаси коллективининг қилган ишлари айниқса ибратли бўлди.

Ремонт устахонаси ишчилари мана бир неча йилдирки, бирлашмада ўтказилаётган мусобақада етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бешта бўлим ўртасида ўзаро мусобақалашиш шартларини аниқ белгилаб олинди. Бундан ташқари, ҳар ойда, квартал охирида мусобақага якун ясалиб, меҳнат кўрсаткичларига кўра ютуқ баллари берилади. Йил охирида эса энг юқори кўрсаткичга эришган коллективлар маъмурият томонидан моддий рағбатлантирилади. Ремонт устахонаси ишчилари ўтган йилнинг 10 ойида 1204,5 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга муваффақ бўлдилар. Кўп ўтмай коллектив мусобақада 28,96 балл тўплаганлиги қайд этилди, ҳамда маъмурият томонидан 240 сўм пул мукофоти ажратилди.

Янги йилда янги марраларни белгилар эканмиз, аввало ўтган йилги рекорд кўрсаткичлар бу йилга келиб иш нормасига айланишига ҳаракат қилишимиз лозим. Ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат кўтаринкилиги ҳам шуни тақозо этмоқда. Айниқса, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, КПСС XXVI съезди минбаридан туриб янграган «Экономика тежамли бўлмоғи лозим» деган чақириққа амалий иш билан жавоб бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бу ўринда юбилей йилида эришилган ютуқлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Йил давомида 8 тонна бензин, 16 тонна дизел ёнилғиси, 4 минг киловатт электр энергияси, 2 тоннадан зиёд қора металл, 3 минг сўмликка яқин эҳтиёт қисмлар тежаб қолинди. Бу эса ҳар томонлама тежамкор меҳнат қилиш мумкинлигини ҳамда бу борада анча резервларимиз мавжудлигини кўрсатди. Бугун эса Анатолий Дубровский, Маъмур Медулбоев, Николай Давенко, Муродали Тулеков сингари ремонтчиларнинг намунаси асосида ишлаб, янада юқорироқ марраларни белгилаш мумкинлигини кўриб турибмиз. Бу илғор новаторларимиз смена топшириқларини 140—150 процентга етказиб ҳозирданоқ мусобақада карвонбошилик қила бошладилар.

Москва шаҳар халқ хўжалиги барча соҳаларининг ишчи хизматчилари хўжаликка қарши, меҳнат ва давлат интизомини бузишга қарши курашни кучайтириш юзасидан бошлаб берган «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша!» шиори остидаги ташаббуслари барчамизни чуқур ўйлашга ундади. Бирлашмамизнинг ҳар бир ишчиси бугунги кунда бу ташаббус жуда ўринли ҳамда ўз вақтида туғилган янгиликлардан бири деб таъкидламоқда. Бу ташаббус бирлашмамизда ҳам ўз аксини топиб, келгуси ишимизга фақат фойда келтиришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

К. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Госкомсельхозтехника» Бўстонлиқ район бирлашмасининг бошлиғи.

● Коммунистик районида янги «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводи ишга тушди. Корхона ишчи-хизматчилари 1983 йилда ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш учун замонавий техника асбоб-ускуналаридан рационал фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Суратда: (чапдан) завод слесари Г. Палинина, созловчи Х. Тўлаев ва пахта тозаловчи С. Жўлдосова маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

ЧИРЧИҚ МАРКАСИ БИЛАН

Чирчиқ трансформатор заводи бугунги кунда ўнлаб маҳсулотларини Иттифоқимизнинг турли корхоналарига ҳамда чет элларга етказиб бермоқда. Корхона инженер-техник ходимлари юқори кучланишдаги трансформаторлар фан ва техника ютуқларининг сўнгги намуналари асосида яратилган бўлишига ҳамда уларнинг сифатли ва пишиқ тайёрланишига эришяптилар. Шунинг учун ҳам Чирчиқ маркаси қўйилган бундай маҳсулотлар шуҳрати тобора ортиб бормоқда.

Яқинда заводда рақамли программа билан бошқариладиган станоклар учун замонавий трансформаторлар ишлаб чиқарила бошланди. Янги маҳсулотнинг дастлабки намуналарини тайёрлаш Н. Калачева, Л. Кукос, Ж. Юнусова, Ф. Нишонбоева, Л. Камардина бошлиқ илғор бригада аъзоларига ишониб топширилди. Смена сўнгида эса улар дастлабки синовдан ўтказилди: янги маҳсулотлар аъло сифат билан тайёрланганлиги ҳаммани ҳушнуд этди.

— Бу шарафли ва масъулиятли вазифа бизларга ишониб топширилганлиги ҳаммамизни беҳад қувонтирди, — дейди Ж. Юнусова. — Ишончни аъло даражада бажарганлигимиз эса ҳаммамиз учун қувонарли бўлди. Ҳозирги пайтда смена давомида 40—50 дона ана шундай трансформатор тайёрланяпти. Лекин, бу «янги қувватнинг ўзлаштирилиши»дек гап. Кейинчалик бу кўрсаткич кескин ошиши аниқ.

Заводда тайёрланаётган рақамли программа билан бошқариладиган станокларга мўлжалланган трансформаторлар Чебоксари электроаппарат заводига, Александрийск электромеханика заводига ҳамда Прокочьевск «Электромашина» заводларига жўнатилади. Чирчиқликларнинг эса мақсадлари битта. У ҳам бўлса, трансформаторларнинг дастлабки партиялари иттифоқдош республикалардаги корхоналарга жўнатилгач, у ердан жавоб хати тарзида ана шундай нусхадаги маҳсулотларга минглаб буюртмалар олишдир.

А. МИРАЛИМОВ.

Бепоён меҳнат ватаним

● НАДИМ (Тюмень области). Б. Дидук бригадаси Уренгой—Помари—Ужгород трассасида бош участкани монтаж қилиб бўлди. Узунлиги 38 километрга борадиган пўлат магистрал муддатидан икки ҳафта илгари қуриб битказилди. Прогрессив пайвандлаш методини қўллаш ҳисобига вақтдан ютилди.

● ЕРЕВАН. Арманистон шимолий-шарқий зонасининг мелиораторлари тошлоқ ерларни ўзлаштиришга киришди. Механизаторлар массивни тошлардан тозалагач, 3 минг гектар чамаси ерни юмшатадилар, уни ҳайдайдилар, текислайдилар. Бу йил республикада 8 минг гектардан кўп ерни экинзорга айлантириш мўлжалланади.

● ТБИЛИСИ. Олимлар билан практикларнинг куч-ғайратини бирлаштириш Грузия деҳқонларига сермаҳсул нав ва дурагайларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлатишда ёрдам берди. Эндиликда янги нав чиқариш ва унинг уруғини кўпайтириш унун ихтисослашган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жавоб беради. Унга Грузия деҳқончилик илмий-тадқиқот институтидан ташқари хўжаликлар ҳам киритилди. Ишни бундай ташкил этиш, масалан, районлаштиришнинг дастлабки йилиданоқ «Универсал» ловия янги навини районлаштиришга, бу навни кенг кўламда етиштириш учун хўжаликларни зарур уруғлик билан таъминлашга имкон берди.

● ВЛАДИВОСТОК. «Дальзавод» халқ истеъмол моллари цехида мебель деталларини ишлаб чиқариш автоматларга топширилди. Фанер бичадиган, уни пардозлайдиган ва бўяйдиган технологик линияларнинг меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширди. Ишлаб чиқаришни автоматлаш ҳисобига беш йиллик охиригача маҳсулот тайёрлашни қарийб ярим баравар кўпайтириш мўлжалланади.

● ЧОРЖЎЙ (Туркманистон ССР). Чоржўй областининг «Амударё оҳанглари» филармонияси репертуарига «Қишлоқда байрам» хореографик сюитаси қўшилди. Уни санъат мухлисларига халқ рақсларининг ижрочиси сифатида машҳур бўлган Ҳасан Мамедов саҳнага қўйди. Унинг репертуарида «Янгитлар», «Оғчи» деган хореографик манзаралар ва бошқа номерлар бор. Туркманистонлик артистларнинг гастроллари чоғида Болгария, ГДР, Польша, Чехословакия томошабинлари ана шу концерт номерлари билан танишдилар.

● ТАРТУ (Эстония ССР). В. И. Ленин номидаги Тарту тажриба-ремонт заводида ишлаб чиқарилиб бошлаган контроль-ўлчов приборлари далада механизаторларнинг пухта кўмакчилари бўлиб қолади. Улар ёрдами билан 14 хил маркадаги тракторларга ғоят диагноз қўйиш мумкин. Бу приборлар ихчам портфелга сиғади ва дала шароитида мотор оборотини, вибрацияни аниқлашда, электр ускуналарини текшириб чиқишда ва машинанинг бошқа параметрларини ўлчашда хизмат қилади. Приборларнинг дастлабки туркуми кўкламги экин-тикинда фойдаланиш учун Қозоғистонлик механизаторларга юборилди.

(ТАСС).

МЎЛ ҲОСИЛ УСТАЛАРИ

ЙИГИТ МОЛИ ЕРДА

РАИС хонасида ёлғиз эмасди. Партком секретари Абдуғани Қулмирзаев, касаба союз комитети раиси Турғун Ҳошимовлар ҳам шу ерда эдилар. Худойберди хона эшигини ярим очганича, кириш ё кирмаслигини билмай, туриб қолди.

— Киравер, Худойберди, айни вақтида келдинг,— дея раис уни илиқ қарши олди. — Аҳволлар яхшими, ука? Иш чарчатиб қўймаяптими?

— Колхозчиларнинг йиллик даромад пулларини уйларига олиб бориб бераяпман. Чарчаш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади, чунки шу ёшдан чарчадик десак, уятда ахир,— дея дадил жавоб берди Худойберди.

— Ука, сени бир маслаҳат билан чақирган эдик,— раис мақсадга кўчди.— Правление ва партия комитети аъзолари билан бамаслаҳат бир фикрга келдик. Кассирлик вазифасини жуда яхши уддалаяпсан. Колхозчилар сендан миннатдор. Лекин сендек ёш, ғайрати қайнаб турган йигит ишлаб чиқаришда кўпроқ наф келтиради. Колхозда энг қолоқ ҳисобланган 1-бригадага сени бошлиқ қилмоқчимиз. Қўлингда агрономлик дипломи ҳам бор.

— Оддий колхозчи, сувчи, бригадада ҳисобчи бўлиб ишлагансиз, пахтачиликда яхшигина тажрибангиз бор,— раснинг фикрини қувватлади партком секретари.

Худойберди яқиндагина правление ва партия комитетининг қўшма йиғилишида бўлиб ўтган воқеани эслади. Ўшанда 1-бригадада меҳнат интизомининг гоят сусайиб кетганлиги, берилган топшириқлар ўлда-жўлда қолиб кетаётганлиги танқид қилинган эди. Мажлисда кимдир:

— Бригаданинг ери ифлос, ажриқ ва ғумай босиб кетган, юқори ҳосил олиб бўлмайди,— деди.

Бошқа бири эса:

— Колхознинг энг чекка бригадаси, у ерга бориб ишлашга ким ҳам розилик берарди. 24 центнер ҳосил олишибдими, шунга ҳам раҳмат дейиш керак,— деб биринчи нотиқнинг фикрини қувватлади.

Худойбердининг хаёл суриб қолганини иккиланиш аломати деб тушунган раис яна далда берди:

— «Йигит моли ерда» дейди халқимиз, ука. Қўрқмасдан дадил ишга киришавер. Қийналсанг қараб турмасмиз.

— Ишонч учун катта раҳмат. Ўзим ҳам кўпдан бери бирор мустақил участкага ўтиб ишлаш ҳақида сизларга айтмоқчи бўлиб юрардим. Кассирлик ёшларга унчалик муносиб касб эмас экан. Розиман. Аммо, бирор муаммо чиқиб қолса ёрдамингизни аямасангиз бўлгани.

— Баракалла, ука, йигитнинг марди оғир ишда синалади. Яхши ният билан ишга киришсанг, ёлғизлатиб қўймаймиз, —хурсанд бўлди раис.

Худойберди идорадан чиқиб, тўғри 1-бригада даласига йўл олди. Йўл-йўлакай шудгорланган майдонларни кўздан кечириб борди. Қўшни Нуъмон Оппоқов бригадасида ер сифатли ҳайдалибди. Дала бошларида гўнг уюмлари кўзга ташланади. Ариқ-зовурлар тозалаб қўйилган.

Ниҳоят 1-бригада ерлари бошланди. Дастлаб 20 гектарлик картани кўздан кечирди. Ер ҳайдашда сифатга эътибор берилмагани яққол сезилиб турибди. Баъзи ерда шудгорнинг чуқурлиги 35—40 сантиметр бўлса, айрим жойларда 30 сантиметрга ҳам етмайди. Карта чеккасидаги 8—10 метр ерни қалин ажриқ босган бўлиб, бу ерда шудгорнинг чуқурлиги 15—20 сантиметрдан ошмайди. Ариқ-зовурларга қўл ҳам теккизилмаган. Бирор тонна ҳам маҳаллий ўғит жамгарилмаган. 22 гектарлик картада ҳам худди шундай аҳвол. 18 гектарлик картанинг ўртасида 2—3 эгат ер ҳайдалмай қолибди...

Кечаси билан ўй суриб чиққан Худойберди бу бригадани ёлғиз ўзининг куч-ғайрати билан оёққа турғаза олмаслигига ақли етди. Эрталаб уйма-уй юриб, бригада аъзоларини дала шийпонига тўплади. Баъзилар «Анчадан бери хувиллаб ётган шийпонда нима бор экан шу топда?» деб ҳайрон бўлишди. Ҳамма йиғилгач, янги бригадир босиқ, аммо қатъий оҳангда сўз бошлади:

— Аҳволни ўзингиз кўриб турибсиз, тушунтириб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Эскичасига ишлайверсак бригаданинг ўнгланиши қийин. Энди гап бундай ҳаммамиз бирга ишлаб, бирга дам оламиз. Эрта кўкламдан бошлаб, ҳосил тўла йиғиштириб олинмагунча, дала шийпонида тунаб ишлаймиз. Шу шартларга рози бўлган бригадада қолади. Малол келганлари мажбуран ишлаб қолмаймиз.

Худойбердининг юрагидан гапириши маъқул бўлди шекилли, кўпчилик унинг фикрини қувватлади.

Улкан хирмон учун кураш ана шундай бошланди. Дастлаб айрим карталар қайта шудгор қилинди. Ердан қор кетиб, музлар эриши билан ариқ-зовурлар тозаланди. Бригаданинг шундоққина ёнидаги колхозларарО бўрдоқичилик базасидан гектар ҳисобига 6—8 тоннадан гўнг ташиб келтирилиб, далаларга солинди.

Кўклам чиқиши билан карта чеккаларидаги ажриқ ва ғумай томирлари тозалаб, териб олинди. Моҳир механизатор Абдурахим Дадабоев чигитни 5 ин кунида экиб тамомлади. Май ойининг бошларидаёқ яшил ғўза майсалари ер юзини қоплади.

Ана шу кунларда район партия комитетидан хабар беришиб, «Кўкорол» совхозидаги 3-бўлим дала шийпонида ўтказиладиган қолоқ бригадаларнинг бошлиқлари йиғилишига таклиф қилиб қолишди. Дала шийпонида турли хил плакатлар билан бирга «Қачонгача судраласиз?», «Қолоқлик доғини ювайлик!», «Биз ҳам илғорлар қаторидан ўрин оламиз!» деган шиорлар осиб қўйилган эди. Район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломов йиғилишда сўзлаб, қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга қолоқ бригадаларни илғорлар сафига кўтариш учун қандай чоралар кўриш ҳақида батафсил тўхталди.

Худойберди мажлисдан қайтди-ю, аламини меҳнатдан олди. Ўзи ҳам тиним билмади, бошқаларни ҳам ортидан эргаштирди.

Дастлабки — 1981 йил якуни бўйича бригада аъзолари 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариб, бир йилдаёқ ҳосилдорликни 10,5 центнерга оширдилар. Йиғилишларда илғорлар қатори Худойберди Алиевнинг ҳам номи тилга олинадиган бўлди.

Баъзилар бригада аъзоларининг бу муваффақиятини вақтинчалик деб ўйлашди. Лекин ишбилармон йигит бошлиқ бригада аъзолари юбилей йилини ҳам муваффақиятли якунлашди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 51,5 центнерга етди. Бу колхозда рекорд натижа эди. Бригада аъзолари 1981 йили ҳар сўм ҳисобига 1 сўм 65 тийиндан қўшимча даромад олган бўлсалар, 1982 йилда 2 сўм 40 тийиндан қўшимча даромад олдилар. Йил якуни бўйича колхоз правлениеси Худойберди Алиевни «Москвич» енгил автомашинаси билан мукофотлади. Юксак хирмон учун курашда алоҳида ғайрат кўрсатган механизаторлардан Абдурахим Дадабоев, Ҳаким Жумабоев, сувчилардан Нуъмон Холисов, Эргаш Алиев, Эргаш Турсунбоев, оддий колхозчилардан Меҳри Алиева, Нурниносо Дўстова ва бошқалар меҳнатларига яраша мўмай даромад олдилар.

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида бригада аъзолари ҳосилдорликни 58 центнерга етказиш мажбуриятини олишган. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун пахта тайёргарлик кўрмоқдалар. Барча майдонлар 35—37 сантиметр чуқурликда сифатли ҳайдаб қўйилди. Шудгорлашдан илгари гектар ҳисобига 10—12 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Ариқ-зовурлар тозалаб қўйилди...

Э. ЙЎЛДОШЕВ.
Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз.

● Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхозда ариқ-зовурларни сифатли тозалаш ишларига алоҳида эътибор берилаяпти. Айниқса, хўжаликнинг 6-бўлимида бу ишлар намунали йўлга қўйилган Суратларда: (ўнгда) бўлим механизатори Н. Қўзибоев кунлик нормасини ортиғи билан бажаришга эришаяпти. Ариқ-зовурларни тозалаш пайти.
М. ҚОРАБЕКОВ фотолари.

ОЛДИНГИ САФДА

ТОШКЕНТ районидаги С. Раҳимов номли колхоз деҳқонлари ўн биринчи беш йиллиннинг иккинчи йилида эл дастурхонига 7 минг 85 тонна сабзавот, 1615 тоннадан ортиқ картошка етказиб бериб, бу борадаги план ва социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажардилар. Ҳосилдорлиқ ҳам ўтган даврдагидан анча юқори бўлди.

«Қиш ҳам иш фасли» шиорига амал қилиб тер тўкаётган хўжалик деҳқонлари келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлашяпти. Колхозда шудгорлаш тўла тугалланди. Айни кунларда 8 та прицеп билан маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Нигмат Илҳомов, Турғун Маҳиддов, Маннон Эркабоев, Мирхандон Миргиёсов каби ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар мусобақанинг олдинги сафида боришяпти.

— КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида тасдиқланган Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли амалга оширилиши учун биз ҳам ҳисса қўшмоқдамиз, — дейди тажрибали сабзавоткор М. Эркабоев.— Келгуси йил ҳисобига экиб қўйилган 30 гектар майдондаги август пиёзи, 132 гектар майдондаги оралиқ экинларига ҳам ўз вақтида ишлов берилди. Шунингдек сара ва сифатли кўчат етиштириш учун ҳам барча тадбирлар кўриб қўйилди. Бир сўз билан айтганда партия қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, бу йил ҳам сабзавот ва картошкадан янада мўл ҳосил етиштирамиз.

Т. ЖУРАЕВ.

ЖАРЛИКЛАР ҲИСОБИГА

КУЙБИШЕВ номли совхоз Оҳангарон районидаги энг кенжа хўжалик. Совхознинг ташкил этилганига эндигина тўрт йил бўляпти. Лекин, ана шу давр ичида хўжалик меҳнаткашлари ҳамма соҳада дадил одим ташлашди. Агар дастлабки йили 2940 тонна маккажўхори донни етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3500 тоннани ташкил этди. Абдурасул Маматов, Йўлдош Исмоилов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан олинган «қаҳрабо дон» 80—85 центнердан ошди.

— Совхозимиз асосан уруғлик дон етиштиришга ихтисослаштирилган. Зиммамизга биринчи навбатда маккажўхори донининг аъло сифатли уруғлигини тайёрлаш вазифаси юклатилган,— дейди директор Ю. Шоёқубов. — Шунинг учун ҳам тепалик ва жарликларни қишлоқ хўжалик оборотига киритишга, шу тариқа экин майдонларини кенгайтиришга катта эътибор бермоқдамиз. Бу йил маккажўхори экиладиган майдонни 500 гектарга еткездик.

Совхоз меҳнаткашлари зардоб тармоқ — чорвачиликни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилишяпти. Айни кунларда чорвачилик фермасида 1800 бош қорамол, 1100 бош чўчқа, мингдан ортиқ парранда парвариш қилинмоқда. 1982 йилда эл дастурхонига 2000 тонна сут, 200 тонна гўшт етказиб берилди. Тухум топшириш плани 130 процентга бажарилди.

Ўн биринчи беш йиллиннинг учинчи йилида янада юксакроқ натижаларни қўлга киритиш учун курашаётган чорвадорлар айни қиш кунларида ҳам соғин сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олишяпти. Совхознинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Хурсанд Обилова, Ҳидоят Тожиева, София Худойбердиева, Жамила Ўрозова сингари сут соғувчилари говмишлар маҳсулдорлигини ошириб бориб, барчага ўрнак бўлишмоқда.

А. ОМОНБОЕВ.

ОЛИМЛАР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

СУВ ТАКРОР ИШЛАТИЛАДИ

Тошкент қишлоқ хўжалиги ирригацияси ва механизацияси инженерлари институтининг олимлари суғорма деҳқончиликда сувдан такрорий фойдаланиш системасининг илмий асосларини ишлаб чиқдилар. Улар суғориш учун зовур ва оқинди сувдан фойдаланиш мстодини ҳам яратиб, деҳқонларга тошиндирдилар. Бу тавсияларни ишлатиш сувни анча тежашга, унинг табиий запасини авайлаб ишлатишга ва сув манбаларидан тежаб-тергаб фойдаланишга имкон беради. Сув сарфини камайтириш ва экин ҳосилдорлигини ошириш натижасида шу ечимнинг иқтисодий самараси ўн минглаб сўмга боради.

Институт олимлари хўжаликлар билан тузилган шартномаларга биноан конкрет хўжаликлар ва суғориш зоналарида сувдан такрорий фойдаланиш ва минераллашган сув ишлатиш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқмоқдалар, суғориш режимларини ҳисоблаб бермоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯ

28 МИЛЛАТ — БИР ОИЛА

Республикамизда юздан ортиқ миллат ва элатлар бир-бирлари билан қон-қардошдирлар. Улар ўртасидаги дўстлик метиндек мустаҳкам. Шу дўстликнинг битта тимсолини бизнинг «Оққўрғон» совхозимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда йигирма саккиз миллат ва элат фарзандлари қўлни қўлга бериб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Қишлоқ Советимиз территориясида битта совхоз, пахта тозалаш заводи, шифохона, ишчилар кооперацияси, нон комбинати, тикувчилик ателеси ишлаб турибди. Турли миллат фарзандларидан ташкил топган ажойиб коллективлар муваффақиятида интернационализм руҳи сезилиб турибди.

Ўтган йили Дружба қишлоқ Совети территориясидаги «Оққўрғон» совхозининг кўп миллатли коллективи оғир об-ҳаво шароитларида мардонавор меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирди ва давлатга 11 минг 795 тонна «оқ олтин» топширди.

Совхозда интернационализм, ватанпарварликни тарғиб қилиш бўйича партия ташкилоти раҳбарлигида жуда кўп ишлар қилинмоқда. Интернационал кечалар ўтказиш, учрашувлар уюштириш анъанага айланиб қолди. Айниқса, физкультура ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилганлиги ҳам тарбияни кучайтиришга ёрдам бермоқда.

Интернационал тарбия гўдакликдан бошланади. Совхозда 9 замонавий типда қурилган болалар боғчалари, 4 та ўрта ва 2 та саккиз йиллик умумий таълим, 1 та ишчи-ёшлар кечки мактаби ва унинг бўлимлардаги филиаллари интернационал тарбияни муваффақиятли олиб бориш имконини бермоқда.

Интернационализм турли миллат вакилларининг бирлигида турмуш қураётганликларида ҳам кўриниб турибди. Биргина ўтган йили қишлоқ Советимизда ёшларнинг янгидан юзга яқин оиласи вужудга келди. Шуларнинг қариб 20 таси интернационал никоҳлардир. Ўзбек йигити Собиржон билан рус қизи Надежда ўз тақдирларини бирга боғлаб Байкал—Амур магистралида ишлашга жўнаб кетишди.

Интернационал тарбияни олиб боришда ҳамма ишимиз кўнгилдагидек бўляпти, дея олмаймиз. Бу борада ҳали камчиликлар ҳам йўқ эмас. Қишлоқ Совети депутатлари колхоз партия ташкилоти ва бошқа бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтирадилар.

С. ЧЕГАБОЕВ.
Оққўрғон район халқ депутатлари Дружба қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

КАРАМ ВА КАРТОШКА ЭКИЛЯПТИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Правда» колхозида бу йил 1200 тонна эртаки картошка ҳамда плёнка остида экилган карамдан эса 750 тонна ҳосил етиштириш кўзда тутилган. Хўжаликнинг Р. Бўстонов, А. Юзбоев, О. Бойтиллаев, Ю. Қосимов, Т. Шоазимов ва И. Тўхтаметовлар бошлиқ бригадаларида ишлар кучайтириб юборилди.

Деҳқонлар 110 гектар майдонга картошка ҳамда 25 гектар ерга карам кўчатлари ўтказишни тез кунда тугаллаш учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

Қ. КАРИМОВ.

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

КАНБЕРРА

Кеча Австралиянинг жанубидаги Аделиада ва Мельбурн шаҳарлари атрофида уфураётган ёнғин натижасида 20 дан кўп киши нобуд бўлди. Бу районлардаги 40 градуслик иссиқ ва тезлиги соатига 80 километргача борадиган қаттиқ шамол ўрмон ва дашт ёнғинни тез ёйилишига сабаб бўлмоқда.

ДУБЛИН

Ирландия полициясининг бундан бир ҳафтача аввал ўғирлаб кетилган «асрнинг йўргаси» — Шергар деган отни излаб топишга уринишлари ҳозирча натижа бергани йўқ. Бир қанча халқаро мусобақаларнинг ғолиби бўлмиш ўша 5 яшар айғирга унинг эгалари камида 10 миллион фунт стерлинг баҳо қўймоқдалар.

«Айриш таймс» газетасининг хабар қилишича, от эгалари воситачилар орқали от ўғрилари билан қанча пулга қайтиб беришлари тўғрисида музокара олиб бормоқдалар. Полиция от ўғриларига пул беришга қарши норозилик билдирган бўлсада, аммо Шергар эгаларининг қандай қилиб бўлсада уни яна қўлга киритиш иштиёқини совутишдан ожиздир.

ТОКИО

Японияннинг энг кекса кишиларидан бири Риокеэй Онисн Кното шаҳрида 107 ёшида вафот этди. Р. Онисн Японияда узоқ умр кўриб, тинчлик учун курашувчи Япония дин арбоблари кенгашига бошчилик қилган, тинчлик учун актив курашиб, шуҳрат қозонганди. У кўп йиллар мобайнида Японларнинг социал таъминотини яхшилаш учун, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя этиш учун курашиб келганди.

(ТАСС, 17 февраль).

Халқаро ҳаёт

ҲИНД ОКЕАНИ ТИНЧ БЎЛСИН

● БЕРЛИН, 16—22 февраль кунлари «Ҳинд океанидаги империалистик базаларга қарши ва Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш учун кураш ҳафталиги» ўтказилаётганлиги муносабати билан халқаро демократик хотин — қизлар федерацияси баёнот бериб, АҚШ Ҳинд океани районини ва шу океан соҳилидаги давлатларни ўзининг «ҳаётий муҳим манфаатлари» зонаси деб эълон қилишга қарши кескин норозилик билдирди.

Федерация барча миллий хотин-қизлар ташкилотларини Ҳинд океани районидаги ҳарбий базалар тугатилиши ва бу ерда ҳарбий империалист кучлар туришини тўхтатиш учун ҳаракат қилишга чақирди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда жамоатчиликнинг Ҳинд океани ҳавзасида АҚШ қуролли кучлари кўпайтирилишига қарши ҳаракатлари кенгайиб бормоқда. Уттар—Прадеш, Бихар, Ғарбий Бенгалия, Керала штатларида оммавий норозилик митинглари ва намойишлари ўтказилмоқда. Уларнинг қатнашчилари Вашингтоннинг янги хатарли қадамини — Америкаснинг «тез ҳаракат қилиш кучлари» Форс кўрфази ва Жанубий—Ғарбий Осиё районидаги операцияларига раҳбарлик қилиш учун АҚШ марказий қўмондонлиги (Сентком) тузилганлигини кескин қоралидилар. Америка империализмининг агрессив сиёсати Ҳинд океанини тинчлик зонаси, деб эълон қилиш тўғрисидаги БМТ декларацияси амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

● КОЛОМБО. Цейлон касаба союзлари федерациясининг бу ерда бўлиб ўтган конференцияси қатнашчилари Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббусларини қўллаб — қувватладилар. Улар якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш учун курашни кучайтиришга чақирдилар. Диего — Гарсия оролидаги Америка ҳарбий базаси тугатилишини талаб қилдилар.

Конференция қатнашчилари АҚШнинг марказий қўмондонлиги (Сентком) тузилишига қарши кескин норозилик изҳор этдилар. Тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда конкрет ҳаракат программаси белгиланди.

● АНТАНАНАРИВУ. АҚШ ўзининг буюк давлатчилик иштаҳасини яширмай, Ҳинд океани районидаги ўз империалистик сиёсатини «Америкаликларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш» зарурлиги билан изоҳламоқда, деб ёзади Малагасийда чиқадиган «Имунгу вауау» газетаси. Бироқ, бу регион Қўшма Штатлардан неча минг километр нарида эканлиги ва Вашингтоннинг бу регионни милитарлаштириш йўли халқларнинг Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш муддаоларига зид эканлиги маълум, деб таъкидлайди газета.

● МАПУТУ. Вашингтон Ҳинд океани ҳавзасидаги давлатларни чўчитишга, уларни АҚШнинг империячилик шум ниятларига кўникишга мажбур этишга уринмоқда, деб уқтиради Мозамбик миллий мудофаа министрлигининг «Комбате» газетаси ўз шарҳида. Пентагон дунёнинг шу районида энг янги оммавий қирғин воситаларини жойлаштириш айниқса чуқур ташвиш туғдирмоқда, деб уқтиради газета.

(ТАСС, 16 февраль).

УЙДИРМАЛАР РАД ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 16 февраль. (ТАСС). Вьетнам ахборот агентлиги — ВИА Ҳитой оммавий ахборот воситаларининг гўё 6 февралдан 10 февралгача Вьетнам томони Гуанси — Чжуан автоном районида ва Юньнан вилоятида Хитойнинг баъзи бир чегара районларини ўққа тутди, деган уйдирмаларини рад қилди.

ВИА агентлиги, деб уқтирилади ахборотда, Хитой маъмурларининг бу уйдирмаси янги йил байрами (ой календарига мувофиқ ўтказиладиган байрам) даврида иккала мамлакат ўртасидаги чегарада ҳамма қуролли ва бошқа душманлик ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида Вьетнам қилган таклифни барпо қилишга мўлжалланганини маълум қилиш ваколатини олган. Шу билан бирга ВСРнинг Вьетнам — Хитой чегарасидаги вазиятни нормаллаштиришга қаратилган тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаётган жаҳон афкор оммасини чалғитиш мақсади ҳам кўзланмоқда.



ЧССР. Чехословакиядаги «Чодос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Украина ССР пойтахти Киевдаги «ВНИИхимпроект» илмий-тадқиқот институти ўртасидаги ҳамкорлик йигирма йилдан буён давом этмоқда. Бу ҳамкорлик натижасида янги-янги мукаммал машина ва механизмлар яратилаяпти. Суратда: совет мутахассиси В. Давидов (ўнгда) чехослован ҳамкасби Я. Крейчи билан.
ЧТК—ТАСС фотоси.

АЯНЧЛИ МАЪЛУМОТЛАР

ЛОНДОН. Буюк Британия консерватив ҳукуматининг, гўё ўз сиёсати мамлакат экономикасини «қайта тиклаш»га олиб бораётганлиги тўғрисидаги даъволари ҳақиқий аҳволга мутлақо зиддир.

Марказий статистика бошкармасининг сўнгги маълумотлари шундан далолат бераді. Шу маълумотларга қараганда, Буюк Британиядаги саноат ишлаб чиқариши ҳозирги вақтда кейинги 15 йил мобайнидаги энг паст даражага тушиб қолган ва тобора пасайиб бормоқда. Металлургия саноатида айниқса оғир аҳвол вужудга келди. Бу тармоқда ўтган йилнинг сўнгги кварталидагина маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 процент камайди. Шу давр ичида станоклар ва саноат асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш 3,2 процент қисқарди. Шу муносабат билан «Таймс» газетасининг уқтириб ёзишича, эълон қилинган статистика маълумотлари ҳамма энг аянчли тахминлардан ҳам баттар бўлиб чиқди.

(ТАСС).

ШОИР ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Муҳаммад Али ўзбек совет шеъриятига ўзига хос овоз билан кириб келган ижодкорлардан. Муаллиф ўзининг қатор шеър ва достонларида меҳнат ва бахт, меҳр ва оқибат, социалистик Ватанга садоқат ғояларини таннум этади. Айниқса, Узбекистон ССР ва Узбекистон Коммунистик партиясининг 60 йиллик тўйи арафасида яратилган «Боқий дунё» шеърий романи нафақат шоирнинг, балки ўзбек совет адабиётининг ҳам салмоқли ютуқларидан бўлди. Хусусан, Москвада СССР Ёзувчилар союзи қошидаги ўзбек адабиёти кенгашининг йиғилишида бу асар ҳақида илиқ фикрлар билдирилганлиги қувончли ҳолдир.

Бекобод районидаги Ф. Э. Дзержинский номли 1-ўрта мактаб ўқувчилари ва қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлган учрашувда адабиётшунос олим, филология фанлари кандидати Ботир Норбоев бу ҳакда батафсил тўхталиб ўтди. Мактаб ўқитувчилари Х. Эшонқулов, Т. Мўминов, юқори синф ўқувчиларидан Ш. Поччаумарова, З. Тошматова, С. Ҳатамовалар шеърий романда қаҳрамонларнинг революцион фаолиятлари ва буюк инқилобнинг ёркин истиқболлари маҳорат билан очиб берилганлиги ҳақида фикр юритдилар.

А. ҲАЙДАРОВ.

ОЛИМЛАР ҲАЁТИ

ГАГАРИННИ КУТГАН ОДАМ

Граждан авиацияси «Крылья родины» журналининг 1981 йил апрель сонини варақлар эканман, беихтиёр бир фотосурат эътиборимни тортди. Унда Юрий Алексеевич Гагаринниг куррамиз бўйлаб қилган 108 минутлик парвозидан сўнг махсус қидирув группасининг аъзолари билан учрашган пайти акс эттирилган бўлиб, сурат остига қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Восток» ҳаво кемасининг космоса парвози муваффақиятли тугади. Вертолёт экипажи фазони биринчи бўлиб забт этган қаҳрамонни ҳаяжон билан кутаётган шаҳарга элтишга ошиқмоқда. Вертолёт кабинасида: спорт комиссари И. Борисенко, инженер О. Баҳромов».

Бу оламшумул тарихий воқеа Отажон Баҳромов ҳаётида энг ёркин хотиралардан биридир. Шу боисдан у ҳоҳ дўстлар даврасида, ҳоҳ фанимиз ютуқлари ҳақидаги қизғин баҳс ва суҳбатларда, ҳоҳ ёш олимлар билан учрашувларда бўлсин Юрий Гагаринни биринчилар қаторида кутиб олганликларини фахр билан ҳикоя қилади. Отажон аканинг ҳаёти билан танишган киши ҳам унинг нақадар сермазмун умр кечираётганлигига шоҳид бўлади.

О. Баҳромов Ашхобод шаҳрида дунёга келди. Ўзининг меҳнат фаолиятини ўспиринлик давридан бошлади. Илм олишга бўлган иштиёқ 16 ёшли Отажонни Тошкентдаги Урта Осиё топография билим юртига етаклади. Бу билим юртида у намунали ўқиш билан бир қаторда комсомол ишларида фаоллик кўрсатди. Сергайрат йигитдаги ташаббускорликни пайқаган Ўрта Осиё комсомол комитетининг марказий бюроси уни Москвага ўқишга юборди. У Серго Оржоникидзе номидаги авиация институтида ўқиб, уни 1937 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. Ёш инженер конструкторлик бюроларида ишлаб малакасини оширди.

Улуғ Ватан уруши даврида О. Баҳромов самолётсозлик заводини Тошкент шаҳрига эвакуация қилишда актив иштирок этди. Кейинчалик уни (1943 йили) 1-Украина фронти 2-Ҳаво армиясидаги вакили қилиб тайинлашди.

Урушдан кейин истеъдодли инженер-полковник О. Баҳромов республикамиз пахтакорларининг оғирини енгил қилаётган пахта териш машиналарининг ишлаш принципи ва унумдорлиги билан қизиқиб қолди ва уларда мавжуд бўлган баъзи бир камчиликларни бартараф қилиш устида бош котирди. Кўп йиллик ижодий изланишлардан сўнг О. Баҳромов ҳозиргилардан ҳосилни териш методи билан тўпдан фарқ қиладиган пахта териш машинасининг лойиҳасини яратди. О. Баҳромовнинг бу янгилиги учун 1958 йили унга авторлик шаҳодатномаси берилди. Бу воқеадан сўнг янги машиналар яратиш ва уларни амалда синаб кўриш Отажон аканинг ягона орзусига айланди. Шунинг учун бўлса керак, 1980 йили СССР Фанлар академиясининг Машинасозлик институти билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Отажон Баҳромовдан замонавий машиналар яратишга бошчилик қилишни илтимос қилганида у ҳеч иккиланмай рози бўлди. Машҳур олим, академик В. Қобулов раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида Отажон аканинг фаол ишлаши учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди.

Сергайрат олим ва ажойиб инсон ўзига кўрсатилган бу катта эътибордан руҳланиб, кичик группадан иборат бўлган ходимлар билан қисқа вақт ичида пахтани кучли ҳаво оқими ёрдамида терадиган машинанинг биринчи ҳаракатлаги макетини битказди ва уни ўтган йили пахтазорда синаб кўрди.

Улуғ Ватан урушининг «Шуҳрат» ва «Қизил юлдуз» орденлари кавалери ва қатор медаллар соҳиби Отажон Меҳрибонович Баҳромов 70 ёшга тўлди. Биз бу сергайрат инсоннинг илм-фан йўлида самарали меҳнат қилаётганидан фахрланамиз.

Р. НАЗАРМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Кибернетика институтининг илмий ходими.

ШОИР ҚАЛБИНИНГ САДОЛАРИ

ИШҚ ВА МУҲАББАТ, одам қалбининг дилбарлиги, орзу ва ниятларнинг софлиги, юракларнинг покизалиги, инсон интилишларининг улуғворлиги, бурч ва садоқат, меҳр ва оқибат масалалари шоир Нормурод Нарзуллаевнинг «Оқ саманим» («Ёш гвардия» нашриёти, 1982 йил) шеърлар тўпламига асос қилиб олинган. Бу ҳамиша барҳаёт мавзулар унга илҳом созини тутқазади, қалби розини, дил тугёнини жунбушга келтиради, шоирни юракдан чиқариб қуйлашга ундайди.

Шеърларни ўқир эканмиз, қанотли орзуларимиз ҳам, тотли туйғуларимиз ҳам, ошиқлар мулки — вафо ва садоқат ҳам, ҳатто қуёшли кунлар ортидаги тунлар ҳам бизга нон қадар азиз ва мўътабар бўлиб туюлади. Ана шу пок нарсаларни покиза ва мусаффолигича асраяпмизми, бахтимизнинг қадрига етяпмизми деб, ўзўзимизга савол берамиз, қалбимизда ўзимизни ўзимиз бир қадар тергаб қўйиш эҳтиёжи туғилади.

Шоирнинг лирик қаҳрамони висол ва садоқат, эзгулик йўлларидаги курашларда ҳамиша голиб ва музаффар инсон сифатида намоён бўлади. Биз қаҳрамоннинг нозик ва соф дилини, қалбининг дилбарлиги ва кўркамлигини, холис ниятда эканини сезиб турамиз. Қаршимизда ҳақиқатдан ҳақ, ноҳақни ноҳаққа айириб дадил курашаётган адолатли, мағрур бир инсон намоён бўлади.

Шу тариқа «Муҳаббат фарзандиман» шеъри жамиятимизнинг бизга қўйган талаби — ҳаётда ва ҳар бир ишда ҳалол ва покиза бўлмоқ керак, деган талабига ҳамоҳанг тарзда жаранглайди. Унда баъзан диёнатни унутиб хиёнат кўчасига кирганлар, нафс йўлида юз тубан кетганлар, баъзан турли ғийбат ва бўҳтонлар билан инсон умрини заҳарлаётган кимсалар фош этилади. Пировардида, ҳар бандининг охирида «Муҳаббат фарзандиман, яхшилик дилбандиман» мисраларининг ўзида такрорланиб келиши ҳам шеърга алоҳида бир кўтаринкилик ва қатъийлик бағишлаганки, биз лирик қаҳрамонининг бу тантанавор қалб нидосига ишонамиз, уни ёқлаймиз, унга эргашамиз.

Шоирнинг сезгир қалби, одам ва оламни нозик дид билан кузата билиш қобилияти унинг шеърларида шундоққина бўртиб туради. У гўдак отзидан тушиб кетган увоқ нонни ва уни эзгилаб ўтган лоқайд ва бепарво қўпол пошнани ўзича идрок этади («Ҳаёт ризқи» шеъри). Бундан ранжиган кекса она қаттиқ изтиробга тушади. Ана шу биргина оддий детал бизга Улуғ Ватан уруши даврида тўққиз ой оч-ялангоч қамал азобига бардош берган Ленинградни эслатади. Ерга рўмолчасини ёзганча, нон ушоқларини битталаб териб олаётган она, уруш йилларидаги қийинчиликларни эслаб беун, ўпкаси тўлиб йиғлаётган чехраси, шу нонни ундирган табаррук ерга сажда қилаётган нуроний сиймо жонланади. Ёки одамлар билан чап қўлини узатиб («Унинг қўли») курашаётган собиқ жангчининг изтиробларини олинг. Унинг ўнг қўли қонли окопларда, жанг майдонларида қолган. Уруш нималигини яхши биладиган Унинг учун ҳам минбарларда сўзлари... оташли, нутқлари янги уруш оловини ёқувчиларга ўта газабкор. У анчайин жангчимас. У, бугунги кунда магнит бомбалари, нейтрон ва атом қуролларининг сирини очиб, америкалик корчалонлар ниқобини йиртиб ташлаётган, дунёга тинчлик ва хавфсизлик уруғини сочаётган ўктам ва меҳнаткаш инсон!

Маълумки, образли ифодалар, тасвирий воситалар шоир шеърларини янада ўқимишли, эсда қоладиган даражада таъсирли чиқишига ёрдам беради.

«Оқ саманим»даги аксарият қўшиқларда халқ оғзаки ижоди, фольклор мотивлари, халқ қўшиқларининг таъсири яққол сезилиб туради. Улардаги соддалик, равонлик, ўйноқилик китобхон дилини қитиқлаб ўтади, мафтун этади. Авваламбор, соддалик — бу равонлик, бадиий мукаммаллик, гўзал ифода, аниқ ва равшан тасвирдир. Шоир қўшиқларидаги фольклор соддалиги, фольклор мусиқийлиги қалбларимизга даврмиз Барчинойлари, замонамиз Фарҳодлари ва девқур Алпомишларнинг маънавий гўзалликлари, соф ва мусаффо туйғуларини олиб киради, уларнинг беқиёс жасорат ва мардона ишларидан бизни воқиф этади. Оналарнинг кўз нури, оталарнинг гул умри, буюк давлат, юрт ишончи ва саодатли эл қувончи — йигитлар ҳақида сўзлайдими, Қарши забткорлари тўғрисида ҳикоя қиладими, аҳду вафо аҳлининг қалб гавҳари — ишқ-муҳаббатни иншо этадими, биз ҳамиша лирик қаҳрамон туйғуларининг самимийлигига, ҳисларининг олийжаноблигига ишонамиз.

«Суворий қизлар», «Сўйла қалбим саболарга», «Камалакнинг ранги етти», «Менга ёқасан», «Сўроқлар» каби шеърлари енгил, халқ дилига ва тилига яқин асарлардир. Шунинг учун ҳам улар аллақачон эфирларга тушиб, саҳналарда куйланиб қўшиқ-куй шинавандаларини ўзига мафтун этиб келмоқда.

Ҳар бир қалб табиатан ўзига хос бастакор бастакор, албатта. Иланувчан муаллифнинг бу борадаги муваффақиятлари бизнинг қалбимизда ана шундай маънавиёт чироғини ёқади, юрагимизни чексиз шодлик ва қувончларга тўлдиради, ўз куйи ва ёқимли оҳанглари билан дилимизга ором бағишлайди.

Нормурод Нарзуллаевнинг мазкур китоби қалби кўпроқ қўшиқ-куйга мойил шоирнинг истеъдодини ва шу билан бирга, шеъриятда астойдил қалам тебратса янада қаттароқ имкониятларга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин, ҳар қандай ёркин талант, ҳар қандай яхши нарса ҳам баҳс-мунозаралардан холи эмас, албатта. Китобда кўзга чалинган қусур шуки, шоир баъзи шеърларида образли фикрлаш ўрнига умумийликка берилади; у ёки бу шеър ялангоч ҳолда тасвирланади, қуруқ риторик мурожаатлар, очиқ-ойдин баёнчиликдан иборат сатрлар, мантиқан чалкаш фикрлар учрайди. Шеърларда катта гражданлик туйғулари етишмаётгандай туюлади. Тўпламда «Гўзалликни излаб...» деган шеър бор. Бунда шоирнинг мақсади гўзалликни улуғлашдан иборат. Айтайлик, гўзаллик деса унинг кўнгли ёйрайди, кўзи қувонади, гўзаллик олдида қўли таъзимда. Шеър: «Гўзаллик — бу ҳаёт ҳамдамим: пок қалбларга қасам ичиринг, Гўзалликни кўрмаган дамим. Сафингиздан мени ўчиринг!» мисралари билан якунланади. Эътибор беринг, гўзалликни ҳаётда ўзининг ягона ҳамдами деб билган олий тушунчали пок қалбларга нега энди қасам ичириш керак экан?!

«Онажоним кирди тушимга» шеърида шоир ўз онасини туш кўрганини, тушида онаси унинг бошидан бир тўп қора булутларни қувиб солаётганини айтади. Унда «Мени деб тўшагин янгилаганмиш», «Асл ҳақиқатни билар оналар», «Очиқ эътирофни қалбим тан олар» каби сатрлар учрайди. Аммо, нима учун она ўғил учун ўз тўшагини янгилаши керак? Қандай асл ҳақиқат ҳақида, қандай очиқ эътироф тўғрисида гап кетяпти? Шеърда тўртинчи бандда нуқта қўйиқчи бўлган шоир, шундан сўнг ҳам олти мисра шеър ёзиб «ҳотамтойлик» кўрсатади.

Шоир шеърларида таҳрибоп сатрлар, мавҳум жумлалар, ўринсиз ишлатилган сўзлар, ғашга тегадиган қайтариқлар учраб туради: «Зиё», «Чироқ», «Сабо», «Садо», «Нидо» «Наво» сўзлари шу қадар кўп ишлатилганки, уларга дуч келавериб нақотки, тилимиз шу қадар камбағал бўлса, деган хулосага келмай иложимиз йўқ. Энди мазмунан бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган қуйидаги сатрларга диққат қилинг: «Ҳаёт борки—кураш бор, ҳам висол бор, ҳам ҳижрон» (56-бет) «Висол ва ҳижрон, Азал ёнма-ён» (91-бет). «Висол ҳижронда аёй, изтиробдир тугёни» (85-бет). «Висол — бу изтироб, ҳажр-ҳаяжон» (60-бет) «Ишқ —бу висол, ё ҳижрондир. Ё ўртаниш, ҳаяжондир» (97-бет). «Ишқ ҳамроҳи вафо, висол» (97-бет) ва ҳоказолар. Улар ўринсиз ишлатилганидан сўз юзидаги хас-чўпдай қалқиб туради.

Нормурод Нарзуллаев шеъриятимизда анча тажрибали, танилиб қолган шоирларимиздан бири. Тарозининг тоши ҳам шунга қараб қўйилади. Унинг ўзи бир шеърида «Субҳидамда сабо келганман, келажакка садо бўлиб келганман» дейди. Шундай масъул ва шарафли вазифани ўз зиммасига олган шоирдан биз оҳорли ва оригинал шеърлар, давримиз шиддатига монанд бадиий мукаммал асарлар кутамиз.

Эшонқул ҲАЙДАРОВ.

ТАҚРИЗ

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

КОМСОМОЛ ЛАУРЕАТ ЛАРИНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Ҳозир Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати деган юксак номга сазовор бўлган 42 ижодкор, 13 коллектив ўзларининг оташин сўзлари, ёркин истеъдодлари ва юксак ижрочилик маҳоратлари билан ёшлар ўртасида катта тарбиявий ишларни олиб боришмоқда. Ўтган йили улар сафига яна уч ижодкор ва икки коллектив қўшилди.

Куни кеча 1982 йил лауреатларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Унда область комсомол комитетининг иккинчи секретари И. Г. Яковлев лауреатлар олиб борган ва айни кунда амалга ошираётган ишлари ҳақида гапирди.

Область Ленин комсомоли мукофоти лауреатининг кўкрак нишони ва дипломлари ёзувчи Исфандиёрга, М. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри артисти Ёдгор Зиёмуҳамедовага, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети эстрада симфоник оркестрининг солисти Павел Борисовга, Олмалиқ шаҳридаги «Фестиваль» марказий маданият уйи ҳузуридаги агитбригадага (раҳбари А. Хан), Тошкент Давлат маданият институти «Нилуфар» ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамблига (раҳбари Т. Йўлдошев) топширилди.

Маросим сўнгида «Нилуфар» ансамбли қатнашчиларн ўз санъатларини намойиш этдилар.

ОБЛАСТЬ ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚУШМА РЕЙДИ

ТАРТИБСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?!

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ИШИДАН НОРОЗИ

Биз Олмалиқ уйсозлик комбинати ошхонасига тушликдан бироз олдин етиб келдик. Ошхонага кираверишда ўнг томонга кўлбола столлар қўйилган. Улар қипиқдан ишланган одатда пол учун ишлатиладиган тахталардан ясалган. Аввал бу ерда овқатланилмаса керак деб ўйладик. Соат 12 бўлгач ишчи, қурувчилар турна қатор бўлиб овқатланишга кириша бошлади. Хўрандалар ерда думалаб ётган ўриндиқларни кўтариб ўтиришарди. Столлар усти чанг, нон қўйишга тортинади киши.

Биз ҳам икки порция ош олдик. Меню бўлмаганлиги учун «неча пул бўлади» деб сўраймиз ошпаздан.

— Икки манат,— жавоб қайтарди ошпаз.

Ошнинг гўштини тарозида тортдик. Биринчи порцияда 70 грамм, иккинчисида эса 75 грамм.

Калькуляцияни сўрадик. Лекин ошпаз калькуляция «йўқ» деб жавоб берди.

— Бир порция ошнинг баҳоси қанча?

— 42 тийин белгиланган.

— У ҳолда нега бир сўмдан олдингиз?

— Ёнида нон-чойи бор, кейин сал кўпроқ солувдим...

Ичкари хонага ўтамиз. Бу ерда европача таомлар тайёрланар экан. Залда одам кўп. Ошпазлар овқатни сузиб бершаркан шу қўл билан пул ҳам олишаяпти. Овқат тайёрланадиган бўлинмага кирдик. У ер ҳам ифлос. Бир томонда эски этик, ботинкалар чўзилиб ётибди, бир ёқда пўчоқ, бир ёқда озиқ-овқатлар...

Уйсозлик комбинати соғлиқни сақлаш пункти мудири Ю. Ефимовага санитариягигиена қоидаларига нега амал қилинмайди, деб савол берганимизда у «шарт-шароит етарли эмас» деб жавоб берди. Ошхона ходимлари эса «нон қўйиш учун идишимиз йўқ» деган баҳонани важ қилиб кўрсатдилар. Ваҳоланки, шу куни омборда даста-даста тарелкалар турарди. Кейинги бўлинмада тайёрланаётган овқатларнинг калькуляциясини кўриб чиқдик. Гуляшнинг гўшти 21 тийин, картошкали гарнири 6 тийин деб ёзилган. Залда осилган менюда эса негадир гуляшнинг баҳоси 33 тийин деб зикр этилибди. Хўш, 6 тийин нима учун қўшилган? Бунга ошхонада ҳеч ким жавоб бера олмади. Минг афсуски, филиал мудири М. Аблямитовани тушлик вақтида учрата олмадик. Ходимлар эса саволларимизга «биз билмаймиз» деб елка қисдилар.

Кон-металлургия комбинатига қарашли мис бойитиш фабрикаси ва мис эритиш заводи ишчи-хизматчилари учун хизмат қиладиган 11-ошхонадаги аҳвол бундан ҳам ачинарли экан. Ошхонага кириб боряпмизу, ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Ғишт хумдоннинг олди ҳам бунақа файзсиз, чанг, тупроқ бўлмаса керак. Катта зал ҳам худди шундай. Деворлар қорайиб кетган, сувоқлари палахса-палахса бўлиб кўчиб ётибди.

— Бу ерда тартиб бўлмади-да — дейди темир йўл цехи тепловоз машинисти ёрдамчиси Маъмур Давлатов.— Столлардаги идиш-товоқлар вақтида йиғиштириб олинмайди. Мана, кўриб турибсиз, катта стакан ичида гуз билан қалампир аралашиб ётибди. Наҳотки, кичкинагина туздон, қалампир соладиган идишлар қўйишнинг иложи бўлмаса. Тушлик овқат ярим иш кунидан сўнг бир дам ҳордиқ ёзиш ҳамку!

Ишчи ошхоналарда бетартиблик, антисанитария ҳолатлари билан бирга овқатларнинг сифатсиз тайёрланаётганлиги ҳам ташвишга соладиган кишини. Масаллиқлар белгиланган нормадагидан кам, ишчи-хизматчиларнинг ҳақидан уриб қолиняпти. Кимёвий анализлар Г. Малькова мудирлик қилаётган 13-ошхонадаги эгри қўлликларни очиб ташлади. Масалан, жаркопдаги ёғ 36,8 грамм ўрнига 18,6 грамм бўлиб чиқди. Бифштекс тайёрланганда 9,6 грамм нон қўшилиши керак, ошхонадагилар нонга «саҳийлик қилиб» 12 граммдан солаберишибди. Компотнинг сувдан фарқи кам — мева, туршак ва шакар обдон «тежалган». Какаода эса ёғ миқдори 1,6 грамм ўрнига 0,9 граммни ташкил этди. Қаймоқнинг ёғлилиги 25 процент бўлиши керак эди, ҳақиқатда 18 процент экан.

14-ошхонадагилар (мудири А. Перцова) бўйи ва энидан уришда ҳамкасбларидан ўтиб кетишган. Бу ерда қаймоқнинг ёғлилиги 25 процент ўрнига 16 процент чиқди. Нефирдан фарқи йўқ. Ошхона ходимларидан сабабини сўрасак «қаймоқ заводдан келади» дейишди. Шунда биз заводдан бир вақтда келтирилган, бироқ ҳали очилмаган идишдан намуна олиб анализга юбордик. Унинг ёғлилик даражаси нормадагидан знёдроқ — 27 процентни ташкил этди. Шунингдек, текширишда бифштексда 13,5 ўрнига 6,8 грамм, гуруч бўтқада 15,5 ўрнига 7,3 грамм ёғ солингани аниқланди.

Ишчи-хизматчиларнинг ҳақидан уриб қолишда 14-ошхона Э. Цой мудир бўлган 3-ошхона билан «мусобақадош» бўлса керак. Фактлар бу борада ким ўзарга ўйналаётганидан яқол далолат бермоқда. Бир порция гуляшга ошхона калькуляцияси бўйича белгиланган 21,9 ўрнига 8,4 грамм ёғ солинаётгани шуни кўрсатиб турибди. Ошхонадагилар чанқовбосди ичимлик тайёрлашган. Ҳужжат бўйича унинг ёғлилиги 1,6 процент бўлиши лозим эди. Аслида эса 0,2 процентни ташкил этди. Қаймоқнинг ёғлилиги нормадагидан икки баравар камроқ, яъни 25 ўрнига 12 процент холос. Хулас шаҳарда бундай тескари томонга «мусобақадош» коллективлар кўпга ўхшайди.

Рейд натижалари кон-металлургия комбинати ишчи ошхоналарини тезда тартибга келтиришни тақозо этмоқда. Умумий овқатланиш корхоналарида ҳизмат маданиятини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни сиргалувчан график асосида вақтида овқатланиб олишлари учун ҳамма шароитларни муҳайё қилиш лозим.

Комбинат ва унга қарашли корхоналар маъмуриятлари ошхона биноларини узоқ вақтдан бўён ремонт қилмаяпти. 11-ошхона мудири О. Степанова ҳақ гапни айтди:

— Бизнинг ошхона 1978 йил охирги марта ремонт қилинган эди. Мен комбинат раҳбарларига мурожаат этаверио чарчадим. 1980 йил ремонт қилиш ҳақида тадбир белгиланди, лекин қоғозда қолиб кетди. Ҳалигача кутамиз. Тўғри, ўтган йили бир залимизни ремонт қилишни бошлашган эди. Мана, ярим йилдан ошди, ҳали тугалланган йўқ.

Бундай ҳол фақат 11-ошхона эмас, бошқа кўпгина умумий овқатланиш корхоналарига ҳам тегишли. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, кон-металлургия комбинати раҳбарлари негадир ошхоналар ишини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгилашни лозим топмаяптилар. Ваҳоланки, ишчилар синфига гамхўрлик қилиш ҳар бир раҳбар, ҳар бир масъул кишининг муқаддас вазифасидир.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, қаерда ишчи-хизматчиларга гамхўрлик юксак даражада бўлса, шу ерда меҳнат самараси ҳам яхши бўлади.

Ишчи-хизматчиларнинг уйрўзғор ишларини енгилатиш учун қулайликлар яратиш, дам олиш учун кўпроқ имконият туғдириш айни муддао бўлур эди. Жумладан, ишчи ошхоналари ҳузурида ярим масаллиқлар билан ҳарид қилувчи магазинларни кўпайтириш даркор. Олмалиқда норматив бўйича 12 иш жойи бўлган 10 та ярим масаллиқлар магазини бўлиши лозим. Ваҳоланки ҳозир иккитагина ярим масаллиқлар магазини бўлиб, улар ҳам жуда кичик ва талаб даражасида эмас. Бундай масолларни яна ва яна келтириш мумкин,

Хўш кон-металлургия комбинати маъмурияти, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари корхоналар ҳузуридаги ошхоналар ишидаги бундай тартибсизликлар ва қатор камчиликларнинг юз бераётганига нима деб жавоб берар экалар?!

Г. ЕВСЕЕВ,
область касаба союзлари жамоатчилик назорат комиссияси советининг раиси.
Б. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СПОРТ

ҒОЛИБЛАРНИ ДАҚИҚАЛАР АНИҚЛАЙДИ

Ўтган куни Чимёнда социалистик мамлакатлар ёшлари ўртасида «Дўстлик» кубоги учун тоғ-чанғи спорти бўйича халқаро турнирга старт берилди. Денгиз сатҳидан 1915 метр баландликда белгиланган старт чизиғига гигант слалом мусобақаларида куч синашиш учун биринчи бўлиб 38 нафар спортчи қизлар кўтарилишди. Қизғин баҳсларда чехословакиялик Людмила Милановага омад кулиб боқди. У 930 метр узунликдаги масофага ўрнатилган 38 та дарвоза оралиғидан моҳирона ўтиб мусобақанинг дастлабки олтик медалини қўлга киритди. Ундан секундининг бўлаклари ҳисобида ортда қолган СССР терма командаси вакили Ларисса Фомичева эса иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш совринга сазовор бўлди.

Дастлабки кун мусобақаларида чехословакиялик чанғичилар яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Тажрибали чанғичи Ганна Гоздова учинчи ўринни забт этиб, ҳамюрти Л. Милановаэришган ютуқни янада мустаҳкамлади.

Бундан бир ой муқаддам бўлиб ўтган СССР халқларининг тоғ-чанғи спорти бўйича бешинчи тур мусобақаларида белорецклик Ольга Логинова гигант слаломда иккинчи, махсус слаломда биринчи ўринга кўтарилиб, ғолиблиқни қўлдан бермаган эди. Бу сафар у дарвозалар оралиғидан ўтишда хатога йўл қўйди.

Халқаро турнир программасига кўра кеча гигант слаломда беллашиш учун трассага эркаклар чиқишди.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Тошкентда биринчи марта
«АРАЛАШ ҲАЙВОНЛАР ГРУППАСИ»
АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — РСФСР халқ артисти Тереза ДУРОВА.
2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари эса 13.00, 16.00 ва 19.30 да.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
ўрта маълумотга эга бўлган

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

устки кийимларни тайёрловчи-тикувчи, озиқ-овқат ва саноат молларини сотувчи, ўқиш муддати — 6 ой, ошпаз — ўқиш муддати 1 йил.

Билим юртига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинади ва уларга ойига 30 сўмдан 70 сўмгача стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг 33 процента ўқувчиларга берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига киритилади. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар.

Машғулотлар 1 мартда бошланади.

Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт, турар жойидан справка, ота-еки онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, мактабдан характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 4 дона фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, 1/2 Қорақамиш массиви (42, 43, 43 «э», 56, 82-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати).

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ
1983-ўқув йилида қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

машинист-экскаваторчи, бульдозерчи-скреперчи, гишт терувчи, сувоқчи-бўёқчилар.

Ўқишга 8, 10-синф ҳажмида маълумотли, ёши 18 дан 35 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчилар ўқиш даврида 76 сўм миқдорида стипендия, бепул иш кийими ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тамомлаганлар «Ташкентводстрой» трестининг қурилиш ташкилотларига доимий ишга юборилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тошширадилар: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, иш жойидан ёки мактабдан характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, таржимаи ҳоли, паспорт.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Ўқиш группа тўлишига қараб бошланади.

Мурожаат учун адрес: Пискент районн, «Тошкент денгизи» посёлкаси (чап қирғоқ).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да **Киёмат қарз**, 19/II да **Рўё**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/II да **Заҳар ичган даъвогар** (16.00), 19/II да **Лайли ва Мажнун** (16.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аралаш ҳайвонлар группаси» аттракционининг гастроллари** (19.30).

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334648, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 10101. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1546. 1 2